# ЭРКИНЛИК, ЭРКИНЛИК ВА ЯНА ЭРКИНЛИК

## Ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий шиори шундай

**Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида 1999 йил якунлари ва 2000 йилнинг устувор вазифалари ҳақидаги чиқишлари икки кун давомида Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилди. Таъбир жоиз бўлса, икки кун юртдошларимиз ўз Йўлбошчиси билдирган фикрларни бутун вужудлари қулоққа айланиб тинглашди.**

**Шу кунларда маҳалла-гузарларда, меҳнат жамоаларида, ўқув муассасаларида — ҳамма жойда Президент маърузаси суҳбатларнинг асосий мавзуига айланган. Мухбирларимиз жойларда бўлишиб, турли касб эгаларининг мазкур маърузага муносабатлари билан қизиқдилар.**

# ТАДБИРКОР МАНФААТИ — ХАЛҚИМИЗ МАНФААТИ

**Файзулла ЛУТФИЕВ, Усмон Юсупов туманидаги «Камалак» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси бошлиғи:**

— Очиғи, Президентимизнинг маърузасини эшитиб, кўзимдан ёш чиқиб кетди. «Қўрқманглар, орқангизда мен борман», — деган сўзларидан кўнглим тоғдай ўсди. Очиқ ва аччиқ гаплардан сўнг қандай ўзгариш бўлади — бу жойлардаги раҳбарларнинг виждонига ҳавола. Аммо мен қўрқмайман дейману, барибир бўлмайди-да. Нега дерсиз? Мана эшитинг. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Панжи Бобоев билан олишиб чарчадим. Унинг учун фермер «синфий душман». Қўлидан келса, уларни товони билан эзиб ташласа. Шунинг учун, фермерларнинг ер, сув шароитини, экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини ҳисобга олмасдан ўз билганича режа белгилайди. Агар «йўлини топсангиз», табиийки, камайтиради. Йўқса, у кишининг айтгани айтган бўлади. Қонун ҳақида оғиз очсангиз, қўл силтайди. Биласизми, яқинда яйлов учун ер олдим. Бироқ бунга эришгунча қон бўлдим. Шундан сўнг қорамол сотиб олиш мақсадида кредит беришларини сўраб, туман, вилоят «Пахтабанки»га мурожаат қилдим. 17 хил ҳужжат керак экан. Тайёрладим. Уни Республика «Пахтабанки»га ҳам юбордим. Бироқ у ерда рад жавоб олдим. Ваҳоланки, мен кредит қайтарилишининг ўн хил усулини асослаб берган эдим. Тушунмай қолдим.

Ҳали булар ҳолва экан. Тадбиркор бўлиб, кўп кўргуликларни кўрадиганга ўхшайман. Бундай дейишимга сабаб бор. Туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари Эгамберди Мирзаевга доимий равишда «улуш» бериб туришга мажбур эмишман. Акс ҳолда мени истаган вақтида «синдирар» эмиш. Ҳатто у банкдаги пул муомаласини суриштириб ҳам кўрибди. Ким билсин, у яна қандай шумликларни ўйлаётган экан.

Айтинг-айтинг, Юртбошимизнинг гапларини Э. Мирзаевга ва унга ўхшаганлар ҳам эшитган бўлсин-да. Зора, инсофга келишса. Мен шу мақсадда пойтахтимизга нажот истаб келувдим. Кўнглим тушиб юрувдим. Президентимиз дилимиздаги гапларни айтиб қолди. Ишонаманки, энди ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетади.

**Азиз ВОСИҚОВ, хусусий тадбиркор:**

— Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида қилган маърузаларини ойнаи жаҳон орқали катта қизиқиш билан кўрдик. Баайни бизнинг кўнглимиздаги гаплар айтилди. Мана, мен «Қўйлиқ» бозорининг ичида тадбиркорлик қиламан.

Текширишлар аввалги йилларга қараганда анча тартибга келиб қолган. Назорат текширувлари бир йилда бир марта ўтказиладиган бўлди. Лекин топшириладиган ҳисоботлар гўё бизни ишдан қолдириш учун чиқарилгандай. Мана биз, хусусий тадбиркорлар ҳар ойда ҳисобот топширамиз. Яна бир жойга бўлса майли эди. Бир эмас, беш жойга: пенсия жамғармасига, меҳнат биржасига, туман статистика бўлимига, солиқ бўлимига, банкка. Бу ташкилотларнинг ҳар бирига икки-уч кун вақтимиз кетади. Ойнинг ярмини шундай ишлар банд этса, тадбиркор қачон ишлайди?

Яна бир гап. Кўлами жиҳатидан салмоқли фарқ қилишига қарамай, хусусий тадбиркор ҳам, катта бир корхона эгаси ҳам бир хил ҳисобот топширади. Менимча, кичик тадбиркор топширадиган ҳисоботни содда шаклга келтириш керак.

**Дилмурод ИСМАТОВ, «Аския» бозоридаги хусусий фирма дўкони мудири:**

— Кеча телевизорда Президентимизнинг ёниб-куйиб гапиришларини кўриб, тўғриси, тўлқинланиб кетдим. Ахир, дилимиздагини айтдилар-да. Мана, масалан, сабабсиз-сўроқсиз текширишларни олинг. Ойига икки-уч марта турли ташкилотдан келишади. Солиқ, ички ишлар, прокуратура дейсизми ёки санэпидстанция, ёнғин хавфсизлиги...

Тегишли жойларда ишонч телефонлари қўйилган, бу ҳақда телевозорда кунда гапирилаяпти, шуларга мурожаат қилмайсизми, дея савол беришингиз мумкин. Қани шундай қилиб кўринг. Йўқ жойдан камчилик топишади-да, иккита гувоҳнинг (уларни ҳам ўзлари топишади) кўрсатмаси билан ишингизни дарров судга оширишади. Суддан нажот изласангиз (ҳаммасининг тили бир-да), натижасиз: мана бу, мана бу моддалар бўйича жиноий жавобгарликка тортиласан. Кейин мен нима қиламан? Озроқ «қуруғидан узатаман». Қарабсизки, олам гулистон. Ана шундай ҳолатлар тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ривожига тўсиқ бўлаяпти.

**Шамсиддин ота ДИЛМУҲАММЕДОВ, тадбиркор уста:**

— Президентимизнинг гапларини киприк қоқмай, охиригача эшитдим. Минг раҳмат. Худди бизни қийнаётган муаммоларни кўриб, билиб тургандек гапирдилар.

Дардинг нима, қандай ёрдам керак, деб сўрайдиган бир одам йўқ, пул сўровчилар кўп эди. Пенсия жамғармасига тўла дейишди. Ўзим 78 ёшдаман, II гуруҳ ногирони бўлсам. Кафанлигимга берамanmi, дедим. Туман ҳокимигача чиқдим. Ҳал бўлмади. «Ҳунарманд» уюшмасига аъзоман. Кириш бадали 2000 сўм эди. Яна 1998 йилда 1500, 1999 йилда 4000 сўм бадал тўладик. Бу йил 5700 сўм тўланармиш. Яхши, тўлаймиз. Лекин нима учун? Бозор раҳбарияти мана бу ерни панжара қиламиз, — деб ғимирлаб қолишди. Бордик. Бошлиғи йўқ экан. Ҳуқуқшуносни олиб, ўтиб борсинлар, деб айтиб келдик. Икки ой ўтди, ҳали келишади-да. Ўзимиз Президентимизга хат ёздик. Ижобий жавоб келиб, жойимиз бузилмай қолди. Бир марта ҳолинг нима, дейишга ярамаса, бу уюшманинг нима кераги бор?

Неварам ўқишдан келса қулоғидан бураб ишга соламан. Бекорчидан безоричилик келиб чиқади. Ният: шу меҳнатга ўргансин, ҳунарли бўлсин. Йўқ, солиқдагилар шунгаям патент оласизлар деб таъбимизни хира қилади. Дуродгорлик бизга отамерос касб. Ўғилларим тайёрлаган сандиқларни мен сотаман. «Чорсу» бозоридан ризқ-рўзимизни териб келганмиз. Бу текширувчилар қош қўяман деб кўз чиқаради. Мана Тўлқинни олинг. Иккита патент олишга мажбур бўлди. Чунки, касал бўлганда ўғли савдо қилиб турса, солиқчилар жаримага тортади. Булар ҳаммаси иш унумига ҳам нарх-навога таъсир қилади. Ўғилларимнинг қўли гул, сандиқдан бошлаб болалар сўричасигача ясай олади.

— Буларнинг саводсизлигини кўринг, — дея гапга қўшилди **тадбиркор Тўлқин ака Тиллахўжаев.** — Мана берган гувоҳномаси. Чиндан ҳам, «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директори жаноб Ш.Шоёқубов имзоси билан берилган гувоҳноманинг муддати 1903 йилгача деб ёзилган. Буям солиқчилар учун хўрак. Муддати 100 йил ўтиб кетибди, деб яна жарима солишлари ҳеч гап эмас.

Тадбиркорларнинг ҳам дардлари кўп. Пойтахтдаки шундай ҳол бўлгач, вилоятдаги аҳвол қандай экан?

# ЛАФЗ ПУЛДАН ҚИММАТ

## Шартнома мажбуриятларини бажармаган томон қонун олдида жавобгардир

Хўжалик субъектлари ўртасида шартнома интизомига риоя қилишни иқтисодий ислоҳотларимизнинг қон томирига муқояса этиш мумкин. Зотан, авторитар даврнинг режалаштириш ва тақсимот сиёсатидан воз кечиш асносида иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришда бу масала алоҳида ўрин тутади.

Эски қолиплар исканжасидан халос бўлолмаётган аксарият корхоналарда бу борада рўй бераётган хато ва камчиликларни зоҳиран икки турга бўлиш мумкин. Биринчидан, қабул қилинган шартномалар ҳуқуқий ва ҳаётий жиҳатдан мукаммал эмас, номига ёзиб қўйилган, иккинчидан, ҳужжатда ифодаланган кўпгина бандлар қоғозда қолиб кетиб, амалда бажарилмайди. Бу камчиликлар, таъбир жоиз бўлса, яна қанчадан-қанча кўнгилсиз оқибатларга доя вазифасини ўтайди. Модомики, маҳсулот етиштирувчи ва истеъмолчи ўртасида бажарилиши лозим бўлган муайян юмушлар келишиб олинсаю, амалда унга риоя қилинмаса, бундай лафзсизлик оқибатида ишни барбод қилиш, ғаразли манфаатларга оғиб кетиш, ҳатто жиноят кўчасига кириб кетиш ҳеч гап эмас. Демак, шартнома интизомсизлиги жамият учун ўта зарарли ижтимоий иллат.

Хўш, бу иллат қачон бизга юқдию нега ундан қутулишимиз қийин кечяпти? Ахир азал-абаддан Турон заминда одам боласининг сўзида устуворлиги энг эзгу қадрият саналмаганми?! Аждодларимиз ёлғон сўзлашдан, лафзсизликдан ҳазар қилишган-ку?! Қадимда, нафақат қадимда, яқин ўтмишда ҳам мард, танти одамларимиз бир оғиз айтган сўзини уддалаш учун ўлимга тик боришган. Гапида туролмаган кишилар шаънига «Белингда белбоғинг борми?» деган танбеҳ суяк-суягидан ўтиб келган. Уят ўлимдан қаттиқ дегани шу. Айтайлик, ҳозирги даврда ҳам Япония каби мамлакатларда «фалон бизнесмен сўзининг устидан чиқолмагани учун ўзини осибди» деган хабарларни эшитамиз. Чунки ўша корчалон биладики, бир марта панд бергандан сўнг бизнес оламида унинг сўзига ҳеч ким ишонмайди. Демак, бу ёғи ҳалокат...

Айтилган сўз — отилган ўқ, дейди халқимиз. Ўзбек тилида **«лафзи ҳалол»** деган, бошқа тилларга таржима қилиб бўлмайдиган қўйма ибора бор. Ўз сўзига содиқ, ваъдасига вафо қиладиган, ориятли одамга нисбатан шундай таъриф беришади. Баъзан ўйлаб қоламан, берган ваъдаси бажарилмаган одамни нима деймиз: лафзи ҳаромми? Асрлар синовидан ўтиб келган муборак ҳадисларда лафзи ҳалоллик ҳақида жуда топиб айтилган гаплар бор. **«Мусулмонлар келишган шартномаларга риоя қиладилар»** («Минг бир ҳадис», 185-бет). Худди шу китобнинг 219-бетидаги мана бу ҳикматга эътибор қилинг: **«Ишни ихлос ва чиройли бажарувчи одамни Аллоҳи Таоло дўст тутади».** Яна бир ҳадис: **«Вазифани ўз вақтидан кеч қолдириб бажариш ҳам зулм турларига киради».**

Баъзан шундай ўйга борамиз: Нега ҳар соҳада лафзимизда туролмаяпмиз? Ваъдани унутиш қандай оқибатларга олиб келишини ўйлаб кўрамизми? Менимча, иллатни туб илдизларидан излаш керак. Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида тузилган шартноманинг барча бандлари деҳқон томонидан ҳам, хўжалик ва маҳаллий ҳокимлик томонидан ҳам сўзсиз бажарилиши зарурлигини уқтирди. Иқтисодиётни эркинлаштириш деганда тадбиркорларга, ишбилармонларга керакли шароит яратиш тушунилади. Унумли, баракали ишлаш учун шароит эса аввало ҳуқуқий жиҳатдан пухта тузилган шартномаларда акс этиши керак. Аммо ҳужжат рисоладагидек тайёрлансаю, унга амал қилинмаса (бу ҳол кўпинча хўжалик раҳбарлари, ҳокимият вакилликлари айби билан содир бўлади), меҳнаткашнинг ишончи сусаяди. Бу маънавий зарарни қоплаш эса ниҳоятда мушкул.

Шу ўринда «шартнома» сўзининг моҳият-мазмунига эътибор қилайлик. Бу сўзнинг ўзаги «шарт». Демак, бажарилиши шарт бўлган бандлар мажмуи — шартнома. «Бозор иқтисодиёти» деб аталган луғат-маълумотномада бу тушунча шундай шарҳланади: «Томонлар ўртасида ўрнатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўғрисидаги келишув, битим. Томонлар барча муҳим бандлар бўйича келишилган ҳолдагина (қонун талаб этган тарзда) шартнома қабул қилинган ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида шартнома кўрсатилган маҳсулотни етказиб бериш бўйича тузилади. Шартнома кўпинча мол етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасида ҳам имзоланади... Вазирлик ва маҳкамалар шартномаларнинг эркин ва ўз вақтида тузилишини ва уларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш, шартнома муносабатларини такомиллаштириш бўйича иш олиб борадилар».

Ўзи-ку шартнома бир-икки кун учун тузилмайди, ундаги бандлар ойлаб, баъзан йиллаб амалий дастур вазифасини ўтайди. Шундай экан, нега уни қоғозга туширишда диққат-эътиборни тўплаб, хаёлни жойига қўйиб ёзмаймиз? Нима сабабдан хом-хатала тузилган ҳужжатга кўзни чирт юмиб (бошқа нима дейиш мумкин?) қўл қўйиб юборамиз? Хатга тушдинг — ўтга тушдинг, деган нақлда айнан қоғозга битилган матннинг масъулияти назарда тутилмайдими? Наҳотки корхона ва хўжалик раҳбарлари шу даражада саводсиз?! Буни қарангки, Адлия вазирлиги шартномаларнинг матн намунасини тайёрлаб жойларга юборибди. Шунда ҳам аксарият хўжалик раҳбарлари намунавий матнларнинг оддий реквизитларини ҳам тўлдирмабдилар, ваколатсиз шахслар имзолаб юборишига йўл қўйибдилар. Бир шартномада сана кўрсатилмаса, яна бирида муддат, бошқа бировида қиймат ёки ижро предмети акс этмаса, қанақа қонуний ҳужжат бўлади?

Гап шундаки, бизда шартнома мажбуриятларини бажармаслик оддий ҳолга айланиб қолганди. Ҳеч ким ишни удда қилмаганнинг мушугини «пишт» демади. Охир-оқибатда бундай масъулиятсизлик «сурункали касаллик»га айланиб кетди. Шу маънода шартномани бажармаслик эскича усулда ишлашнинг хос аломатлари сифатида намоён бўлмоқда. Демак, янги замон талаблари асосида ишлаш учун шартнома мажбуриятларини бажармаслик ҳолларига тоқатсизлик муҳити яратилмоғи керак. Шунга эришайликки, шартномада шартлашилган вазифаларни уддаламаган раҳбарнинг юзи шувит, боши ҳам, ўзи мулзам ҳолга тушсин.

Бу, албатта масаланинг маънавий томонлари. Аммо аҳвол раҳбарларга иқтисодий таъсир қилиш лозимлигини кўрсатмоқда. Илгарилари хўжалик суди ходимлари чора кўриш учун ваколатлари йўқлигидан чорасиз эдилар. Мамлакат Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони хўжалик судларига катта ваколатлар берди. Ушбу Фармонга биноан хўжалик низоларини кўриш жараёнида жиноят аломатлари аниқланган ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларига нисбатан жиноий ишлар қўзғатилади, иқтисодий ҳуқуқбузарликларни содир қилган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланади, мулкий зарарни айбдор раҳбарлар ҳисобидан қоплаш талаб қилинади. Демак, хўжалик судлари натижа учун чора кўради ёки шундай ҳолга тушишнинг олдини олади.

Албатта, булар шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун ҳукумат томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар. Хўш, биз ўзимиз шартномалар бекамукўст бажарилиши учун нималар қилишимиз керак? Агар ҳар ким лафзи ҳалоллик тушунчасини юракдан ҳис этса, ўз интилишлари билан аҳволни яхшилаш учун астойдил курашса юқорида айтилган чораларга ҳам ҳожат қолмасди. Давр иқтисодиётни эркинлаштиришни талаб қиляпти. Маҳсулот етиштирувчи, тадбиркор турли тазйиқ ва босимлардан холи бўлиши керак. **Ахир тўрт оёғи боғланган от билан улоқ чопиб бўлмайди-ку?** Хўжалик субъектларидан турли хил ҳисоботлар талаб қилишга чек қўймоқ лозим.

Ҳамиша буюк ўтмишимиз билан фахрланиб келганмиз, Боболаримизни буюклик даражасига олиб чиққан фазилатлардан бири лафзи ҳалолликдир. Эзгу қадриятларимиз қаторида чин сўзликни ҳам ҳаёт тарзимизга татбиқ этайлик, токи ўзбекнинг бу хислатига ҳамма ҳавас қилсин.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**


## ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАЛАРИ АБОНЕНТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**«Toshkent Shahar Telefon Tarmoqi» («TShTT» ОТАЖ)** абонентларнинг эҳтиёжларини тўлақонли қаноатлантириш, уларга қулайликлар яратиш, шунингдек, телефон тармоғининг тадбиркор абонентлари — фирмалар, корхоналар, ташкилотларнинг ишлаб чиқариш ва тижоратчилик фаолияти самарадорлигини ошириш учун қуйидаги имтиёзларни жорий этмоқда:

- 2000 йилнинг 10 февралидан 31 март кунигача телефон ўрнатиш ва асосий ёки параллел телефон аппаратларини, кабел охиридаги сўнгги қурилмаларнинг жойини ўзгартириб ўрнатиш хизматлари учун, ўзгарган ёки ўзгаришсиз тўлов ҳамда бошқа реквизитлар учун чегирма **20 фоиз миқдорида;**
- Алоқа тармоғи телефонларини ўзгартириб улаш: «TShTT» ОТАЖ алоқа тармоғидан 2000 йилнинг 10 февралидан 31 март кунигача идораларга ўрнатилган телефонлар учун чегирма **50 фоиз миқдорида;**

***«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ОТАЖи бу имтиёзларни яқинлашиб келаётган Наврўз байрами шарафига ва тармоққа уланган телефон абонентлари сони ярим миллионга етганлиги муносабати билан жорий этди.***

### ТЕЛЕФОН — ТАДБИРКОРНИНГ ДЎСТИ

Ўз абонентларимизга жаҳонда интеграл (ISDN) ва интеллектуал (IN) деб ном олган янги илғор технология хизматларини таклиф этамиз.

**137-АТС абонентларига қуйидагилар тавсия этилади:**

- **ISDN хизматини,** бу бир рақамли иккита симли стандарт линияга факс, телефон, компьютер ва бошқа сўнгги қурилмаларни (терминалларни) улаш бир вақтнинг ўзида 3 та ҳар хил алоқа сеансларни, шу жумладан, видеоалоқани ҳам олиб беришга имкон беради.
- **«CENTREX» хизмати** 137-АТС телефонларига эга бўлган бир ёки бир неча идораларнинг абонентларига шаҳарлараро ёки шаҳар доирасидаги алоқадан ташқари, виртуал ички 3 рақамли алоқа тармоғидан фойдаланиш учун қулайлик яратади.

Бундан ташқари, қуйидагиларни таклиф этамиз:

- Рекламалар ва статистик мақсадларда аҳоли сўровини ўтказиш учун бир вақтнинг ўзида 30 тагача гаплашувни (телегаплашув хизматини) уюштириш мумкин.
- Ўз тадбиркор шерикларини, қариндош-уруғлар ва дўстларини фақат эшитиш эмас, балки кўришни ҳам хоҳловчилар учун қуйидаги манзилдан Самарқанд шаҳри билан (137-АТСдан 4 км. Масофада жойлашган офислардан ҳам, «TShTT» студиялардан ҳам) видеоконференцалоқани ташкил этиш мумкин: Охунбобоев кўчаси, 3 (собиқ Куйбишев кўчаси, 3), 133 -АТС биноси.
- Барча электрон АТСлари абонентлар учун қўшимча хизмат турларининг кенг танлови мавжуд. Сизнинг телефонингиз кўпгина иш операцияларини бемалол бажариб берадиган ёки айрим вазиятларда сиз учун мулоқат қулайликларини яратиб бера оладиган яқин дўстга, бетакрор ҳамкорга айланади.

**Маълумотларни қуйидаги телефондан олишингиз мумкин: 55-77-17.**

2550

**«Toshkent Shahar Telefon Tarmoqi» акциядорлик жамияти.**




*Учқўрғон туманидаги Ўзбекистон ширкат хўжалиги тумандаги илғор хўжаликлардан бири ҳисобланади. Бунга сабаб шуки, хўжалик деҳқонлари меҳнатни ташкил этишнинг янгича усулларини дадиллик билан қўллаб келишмоқда. Ўтган йили хўжаликда буғдойдан бўшаган 15 гектар майдонга Голландиядан келтирилган «Диомат» навли картошка уруғи экилганди. Натижа кўзланганидан ҳам зиёда бўлди. Ҳар гектаридан 270 центнердан ҳосил олинди, 250 тонна сара уруғ жамғаришга эришишди. Хўжалик деҳқонлари бу йил ҳам юз гектар ерга картошка экишни мўлжаллаб туришибди.*

**СУРАТДА: меҳнат фахрийси Исмоилжон Эргашев ширкат хўжалиги раиси Абдуллажон Жўраев билан.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 15 февралдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 90,20 | 10 Люксембург франки | 34,97 |
| 1 Австрия шиллинги | 10,25 | 1 Малайзия ринггити | 37,71 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 229,81 | 1 Германия маркаси | 72,13 |
| 10 Бельгия франки | 34,97 | 1 Польша злотийси | 34,57 |
| 1 Голландия гульдени | 64,02 | 1 СДР | 193,38 |
| 10 Греция драхмаси | 4,24 | 1000 Туркия лираси | 0,26 |
| 1 Дания кронаси | 18,96 | 1 Финляндия маркаси | 23,73 |
| 1 БАА дирхами | 39,01 | 1 Франция франки | 21,51 |
| 1 АҚШ доллари | 143,27 | 1 Швейцария франки | 87,91 |
| 1 Миср фунти | 41,86 | 1 ЕВРО | 141,08 |
| 10 Испания песети | 8,48 | 10 Жанубий Корея вони | 1,29 |
| 100 Италия лираси | 7,29 | 10 Япония иенаси | 13,10 |
| 1 Канада доллари | 98,89 | 1 Россия рубли | 4,98 |
| 1 Хитой юани | 17,31 | 1 Украина гривнаси | 25,67 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*






Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Тошкент биринчи босмахона директори Абдумалик Абдукаримович Мажитхўжаевга опалари

**Муҳайё МАЖИТХЎЖАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Элликқалъа тумани ҳокимлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Амин Ҳамроевич Тожиевга волидаи муҳтарамаси

**ҲАВОЖОН онанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Давлат тилини жорий этиш масалалари ва таржималар бошқармаси бошлиғи Қ. Мусаевга ўғли

**БАХТИЁРнинг**

бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Молия институти маъмурияти ва жамоат ташкилотлари «Маънавият ва фалсафа» кафедраси фалсафа фанлари доктори, профессор

**Малик ОРИПОВнинг**

бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Республика қўғирчоқ театри жамоаси Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори М. А. Абдуқундузовга онаси

**Бувиниcо АҲМЕДОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# САВОБНИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ

Муруввват дилни поклайди

Инсон кўнгли гулдан нозик, дейдилар. Авазбек Исмоиловнинг ўз жўралари билан ҳовлига кириб келиши Насриддин ака Фахриддинов кўксини тоғдай кўтариб юборди. Йигитлар келтирган совға-саломларни бир-бир олар экан, хира тортган кўзлари намланди.

— Бекор овора бўлибсизлар, ўғилларим, — деди ота титроқ қўллари билан кўз ёшларини артар экан. — Ҳамма нарса етарли. Давлатимизга минг раҳмат. Бизга ўхшаганларни ёлғизлатиб қўймаяпти. Пенсия пулини айтинг: ойма-ой етказиб беряпти.

— Сиз жанг кўрган одамсиз, — отанинг елкасига қўл ташлади Авазбек. — Сизга ўхшаш табаррук кишилар ҳолидан хабар олиш бурчимиз, ота.

Совғанинг катта-кичиги, мурувватнинг ўлчови бўлмайди. Дуо эса пулга сотилмайди. Олтинкўл тумани марказидаги хусусий ошхона мудири Авазбек Исмоилов ўша куни Офтобчек маҳалласида истиқомат қилувчи Насриддин ота хонадонига ўн минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари келтириб берди. Избосканлик Хайитбой Абдулҳакимов ўз ҳисобидан 115 минг, Ғуломжон ҳожи Қамбаров 83 минг сўм пул ажратди ва уни кам таъминланган оилаларга тарқатди.

Биргина бу эмас. Жойлардаги корхона ва ташкилотлар, хўжаликлар ёрдамга муҳтож кишиларга ўз имкониятларидан келиб чиқиб мадад қўлини чўзмоқдалар. Олтинкўл туманидаги М. Ризаев номли жамоа хўжалиги беш нафар болакайнинг хатна тўйини ўтказиб берди. Камхарж оилаларга Кўмакай қишлоқ фуқаролар йиғини 500 минг, Олтинкўл, Оразий қишлоқ фуқаролар йиғинлари 669-670 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Соғлом авлод йили

Ҳамро МАТВЕЛИЕВ:

# «БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИДАН ИЛҲОМЛАНАМАН»





— Ойижон, мана бу ўйинчоқларни ким чизган?

— Бу эртак қаҳрамонларининг ҳайкаллари. Уни ҳайкалтарош ясаган.

— Нимадан ясаган?

— Лойдан.

— У чизишни билмайдими?

— Билади.

— Унда нега қўлини лой қилиб ўтирмасдан чизиб қўя қолмайди?

— Иши шунақа-да, болам.

— А, қўлини лой қилса, ойиси уришмайдими?..

Она билан боланинг бу суҳбатини яқинда қайта таъмирланган пойтахтимиздаги «Старт» стадионига борганда эшитгандим. Биласизми, ўша жажжи болакайнинг саволлари мени бироз фикрлашга мажбур қилди. Ростдан ҳам биз катталар янги бунёд этилган бирор иншоотними, санъат асариними кўрсак, яхши қилишибди, деб қўя қоламиз. Лекин унинг муаллифи, шу ҳолга келгунча қанча машаққатли меҳнат қилгани билан кўпчилик қизиқмайди. Тележурналистлар тили билан айтганда, ўша ижодкорлар кадр ортида қолаверади.

Мана, масалан, ўша «Старт» стадионини олинг. Бормаган бўлсангиз ҳам телевизорда кўргансиз. Қандай чиройли, тўғри эмасми? Ҳозирда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки тасарруфидаги бу спорт масканининг тантанали очилиш маросимида иштирок этган муҳтарам Президентимиз ҳам бунёдкорлар ишига юксак баҳо берганди.

Мен ўша лойиҳанинг муаллифи билан қизиқдим. Келинг, уни сизга ҳам таништираман: Ҳамро Матвелиев. «Esenya» қурилиш-муҳандислик фирмаси раҳбари, ҳайкалтарош, рассом-дизайнер... Яхшиси, у кишининг қилган ишлари хусусида тўхталсам.

Мамлакатимиз буюк келажак, тараққиёт сари дадил одимлаётир. Модомики, ҳар соҳада дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан жой олишимиз, лўнда ифодалаганда, жаҳон андозалари даражасида турмуш тарзини шакллантириш асосий мақсадимиздир. Бу борада жаннатмакон юртимизнинг ўзига хос шарқона жамолини оламга кўз-кўз қиладиган шаҳар ва қишлоқларимизнинг миллий хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда замонавий қиёфасини яратиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шундай ишлар аллақачон бошлаб юборилганини, пойтахтимиз ва бошқа шаҳарларимиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгараётганини ўз кўзингиз билан кўриб турибсиз.

Айтинг-чи, шу гўзалликни хиёбонлар, истироҳат боғлари, болалар майдончалари, турфа аттракционларсиз тасаввур қилиш мумкинми? Ҳамро Матвелиев эса ана шундай гўзаллик ижодкорларидан бири.

Алоҳида таъкидлайдиган томони, Ҳ. Матвелиев яратган мажмуаларда қадимий шарқона бунёдкорлик нафаси сезилиб туради. Баъзиларга одат бўлган хорижий ўлкалардан нусха кўчириш у кишининг ижодий тамойилига тамомила зид.

Мисол учун болажонлар мириқиб ўйнайдиган аттракционлар. Улар чет элда автоматик равишда бошқарилади. Ҳамро ака бу масалага шундай ёндошганки, ўйнаётган бола ўзи ҳаракат қилсин. Токи, ҳордиқ ўйини бўлган бу жараён айни вақтда унинг жисмоний соғлом ўсишида ҳам муҳим ўрин тутсин.

Иккинчи жиҳати, у кўпроқ миллий қадриятларимизга, эртак қаҳрамонларига мурожаат қилади.

— Сабаби бунинг тарбиявий аҳамияти беқиёс, — дейди Ҳ. Матвелиев. — Табиийки, болажонлар у ким, бу нима, деб боғча опаси ёхуд ўқитувчиси, ота-онасини саволга тутади. Ва аниқ жавоб бермагунингизча қўймайди. Ўйин баҳонасидаги ҳикоя унинг митти қалбига абадий муҳрланади. Қарабсизки, Ватанга, миллатга, ўзликка бўлган ҳурмат, таъбир жоиз бўлса, ғурур ўша ёшдан бошлаб шаклланади.

**— Сиз яратаётган мажмуалар бир қарашда юзаки кўрингани билан теран тафаккур, таҳаюл, оқ соч тарих ва миллий қадриятлардан бохабарлик маҳсули сифатида дунёга келади. Айтинг-чи, кўнглингиздагидек чиқмаганида қандай ҳолатга тушасиз?**

— Тўғрисини айтсам, аввал ишлаган лойиҳаларим бўйича қурилган майдонларда шоду ҳуррам ўйнаётган болажонлар ҳузурига бораман. Уларнинг қувончи мени қайта илҳомлантиради. Шунда ўзимда янги кучни, жасоратни ҳис қиламан. Ва яна ишга киришаман.

**— Болалар майдончаларидан ташқари, кўпгина шаҳарларимиздаги истироҳат боғлари, хиёбонларда катта-катта мажмуалар яратганлигингиздан хабаримиз бор. Бироқ сўнгги лойиҳаларингизни кузатган киши кейинги пайтларда фақат болалар учун ишлаётганингизни сезиши қийин эмас. Бунинг боиси нимада? Ё бошқа таклифлар тушмаяптими?**

— Таклифларга келсак, мақтанаяпти демангу, нафақат Ўзбекистон, балки Германия, Голландия, Россия, Қозоғистондан ҳам тушаяпти. Чунки бизнинг технологиямиз ўзига хос. Айнан болалар учун ишлаётганимизнинг иккита сабаби бор. Биринчиси, шу юртнинг фарзандимизми, аввало, она Ватанимизнинг ривожига, янада чирой очишига хизмат қилиш. Хориж эса қочмайди. Президентимиз айтганидай, тўрт-беш йил фурсат беринг, ўша чет элликлар биздан келиб ўрганади. Бунинг учқунлари юқоридаги таклифлардан ҳам сезилаяпти. Иккинчидан, 2000 йил мамлакатимизда «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди. Шу муҳим жараёнга фуқаролик бурчим сифатида камтарин ҳиссамни қўшиш.

Ҳамро Матвелиев билан суҳбатлашар экансиз, у сизни турфа оламлардан етаклаб ўтади. Уларнинг ҳаммасида гўзаллик ва эзгуликни, келажак авлод учун яратилажак шароитни кўрасиз. Бу гўзаллик, бу эзгулик иқтидорли ижодкорнинг навбатдаги лойиҳаларида ўз аксини топаяпти. Ва тез кунлар ичида дунё юзини ҳам кўради. Бунинг учун унда қобилият ҳам, куч ҳам етарли.



**Озод БЕК,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: Ҳ. Матвелиев ва у яратган мажмуалардан лавҳалар.**


БИЗНИНГ ДЕРАЗАЛАРИМИЗДАН ДУНЁ ГЎЗАЛ КЎРИНАДИ.



**Алюминийдан тайёрланган дераза ромлари ва витраж тизимлари:**

- турли шакл, ўлчам, рангдаги дераза, эшик, витражлар тайёрлаш
- турли аркалар тайёрлаш
- чанг ва товуш ўтказмаслик
- ойналарнинг ҳаво ўтказмаслиги
- очиладиган ва суриладиган қурилма, жалюзилар ўрнатиш учун қулай
- ёнғиндан хавфсиз.

**Якка буюртмалар қабул қиламиз.**

Йил мобайнида сервис хизмати кўрсатиш.

ALQUR

Манзил: Тошкент ш., Бектемир тумани, «Оҳангарон» шоҳкўчаси, 2.
Тел.: (371) 185-67-78, 185-67-74, 130-79-90.
Факс: (371) 98-47-00.

Бизнинг дилерларимиз:
Андижон ш., Фитрат кўчаси, 214. Тел./факс: (37422) 25-25-94.
Навоий ш., "Феникс Ко" фирмаси, Тел.: (43622) 30761.

®/1907

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ биринчи сессиясида иқтисодиётни эркинлаштириш ва кадрлар сиёсатини такомиллаштириш бўйича қўйган вазифалари ижроси юзасидан республикамизнинг барча, айниқса, узоқ ҳудудларидан қобилиятли ва истиқболли ёшларни банк тизимига жалб этиш мақсадида

***"Иқтисодиётни эркинлаштириш ва банк тизимида ислоҳотларни чуқурлаштириш"***

мавзуида республика илмий-амалий семинари ўтказилиши юзасидан танлов эълон қилади.

***Семинар қуйидаги мавзулар бўйича танловда энг яхши деб топилган рефератлар асосида ўтказилади:***

- Банк тизимини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш, тижорат банкларининг капиталини кўпайтириш, уларнинг инвестиция жараёнидаги иштирокини кенгайтириш.
- Банкларнинг мажбуриятлари бўйича тўловлар ҳамда кредит бериш имкониятларини кенгайтириш ва мижозлар билан шерикчилик муносабатларини такомиллаштириш.
- Кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантириш учун тадбиркорлик тузилмаларининг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, уларга микрокредитлар ажратишнинг яхлит тизимини яратиш.
- Банкларнинг ипотека кредитларини ривожлантириш.
- Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини активлаштириш: ресурсларни жалб этиш ва инвестициялаш.
- Валюта бозорини эркинлаштириш, миллий валютани жорий операциялар бўйича эркин алмашувини таъминлаш масалалари.
- Пул-кредит сиёсатининг реал ва молиявий тармоқдаги ишбилармонлик фаолиятига таъсири.
- Аҳолига кўрсатиладиган банк хизматларини кенгайтириш ва жисмоний шахсларнинг нақд пул маблағларини жозибадор депозитларга жалб этиш.
- Банк тизимининг ахборот-техник ва молиявий инфратузилмаларини ривожлантириш.

Танловда республика банк тизими барча бўғинлари мутахассислари ва иқтидорли ёшлар иштирок этишлари мумкин.

Давлат тили, рус ва инглиз тилларида ёзилган рефератлар **2000 йил 20 мартгача** қуйидаги манзилга юборилиши лозим:
**700001, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 6, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Илмий Кенгаш.**

Рефератларнинг ҳажми машинка ёзувида 12 бетдан кўп бўлмаган ҳолда юборилиши мақсадга мувофиқ. Муаллифнинг нуқтаи назарини асослаш учун зарур маълумотлар, жадваллар ва ҳ.к. лар илова қилиниши мумкин.

Биринчи семинар 2000 йил 28-29 апрел кунлари Республика Марказий банкида ўтказилади. Семинарда иқтисодиётни эркинлаштириш ва банк тизимида ислоҳотларни чуқурлаштириш муаммолари кенг ва атрофлича муҳокама қилинади. Назарий ва амалий аҳамиятга молик тавсиялар муаллифлари семинарда ўз маърузалари билан қатнашадилар.

**Танлаб олинган энг яхши рефератларнинг муаллифлари банк тизими раҳбар кадрлари заҳираси таркибига киритиладилар. Бошқа соҳа мутахассислари ва ёшларга банк соҳасида ишлаш таклиф этилади.**

**Танловни ўтказиш билан боғлиқ барча маълумотлар "Банк ахборотномаси" газетасида мунтазам ёритиб борилади.**

**БАРЧАНИ, ЖУМЛАДАН, БАНК ХОДИМЛАРИНИ ТАНЛОВДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШГА ЧАҚИРАМИЗ!**

2553



«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 106. 27017 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — А. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — А. Сатторов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 21.50 1 2 3 4 5 6